



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 116 (13.449)

Баҳоси эркин нарҳда

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

БАРЧА САЎЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ ЗАМИРИДА ХАЛҚИМИЗ МАНФААТЛАРИ МУЖАССАМ

Хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев жойларда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари, инвестиция лойиҳалари ижросининг бориши билан яқиндан танишиш, халқ билан мулоқот қилиш мақсадида 2 июнь куни Андижон вилоятига ташриф буюрди.

Мамлакатимизнинг барча ҳудуди каби Андижон вилояти ҳам изчил ривожланмоқда. Шаҳар ва қишлоқлар кияфаси ўзгариб, одамларнинг турмуш фаровонлиги ошиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислам Каримов раҳнаомлигида вилоятда улкан бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Йиллик саноат корхоналари, коммуникация тармоқлари, ижтимоий объектлар, кўп қаватли уй-жойлар барпо этилди. Андижон шаҳридаги Ўзбекистон, Мустақиллик, Истиклол, Бобур кўчаларининг замонавий кияфаси вилоятнинг бугунги тараққиёти ифодасидир.

Андижонда саноат, қишлоқ ҳўжалиги, кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик, савдо, хизмат кўрсатиш, санъат, спорт каби соҳалар изчил ривожланмоқда. Жорий йилнинг биринчи чорагида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 9,5 фоиз ўсган.

Вилоятда беш мингга яқин саноат корхоналари фаолият юритмоқда. Асака шаҳридаги “Женерал моторс Ўзбекистон” кўшма корхонаси бу борада алоҳида ўринга эга. Бу завод мамлакатимизда янги тармоқ – автомобилсозлик саноатиға асос бўлди, у билан боғлиқ инфратузилмалар, хизмат соҳалари шаклланди. Заводда ишлаб чиқаришни диверсификация қилиш, экспорт географиясини кенгайтириш ишлари давом эттирилмоқда.

Вилоятда кичик бизнес ва хўсусий тадбиркорлик жадал ривожланмоқда. Уларнинг сафи кенгайиб, товар ва хизматлар тури ортиб бормоқда. Меҳнат билан банд аҳолининг 84 фоиздан зиёди шу соҳада фаолият кўрсатмоқда.

Шавкат Мирзиёев 2016 йил 1 ноябрь куни Андижон вилояти сайловчилари билан учрашувда вилоят иқтисодиётини янада ривожлантириш, аҳоли фаровонлигини оширишға қаратилган кенг кўламли режа ва мақсадларни баён қилган эди. Давлатимиз раҳбари Андижонға ташрифи давомида ана шу режалар, Ҳаракатлар стратегияси ижроси, ижтимоий-иқтисодий лойиҳалар ва амалға оширилаётган бунёдкорлик ишларини кўздан кечириди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Андижон вилоятиға ташрифини “Боғи Бобур” истироҳат боғи билан танишишдан бошлади.

Мазкур истироҳат боғи Захриддин Мўхаммад Бобур тааваллудининг 510 йиллиги муносабати билан фойдаланишға топширилган. Бобур халқаро жамоат фонди тасаруфидиға сўлим маскан 357 гектар майдонни эгаллаган. Боғда Бобур Мирзонинг раъзий қабри ва хайкали, “Бобур ва жаҳон маданияти” музейи барпо этилган. Бобур ҳаёти ва меросини ўрганишға бағишланган халқаро илмий экспедиция томонидан олиб келинган ноёб кўлбэмалар, китоблар ва тарихий ашёлар ўрин олган музей мамлакатимиздаги диққатға сазовор масканлардан бириға айланган.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан истироҳат боғини янада обод қилиш, музейни таъмирлаш ва фаолиятини кенгайтириш режалаштирилган.

Бобур Мирзо халқимизнинг буюк фарзанди. Адабиёт, илм, маърифат нуқтаи назаридан у ҳамон яшаётти. Бу маскани янада обод қилиш зарур. Ўзлгимизни англаб, буюк тарихимизни ёшларға тушутирсак, илм-маърифатни ривожлантирсак, ҳеч қачон кам бўлмаймиз, деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз музей экспонатлари билан танишди. Олимлар ва нурунийлар билан мулоқотда бўлди. Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 24 майдаги “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ҳамда 31 майдаги “Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш ва такомиллаштиришға доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорлари халқимизнинг қадимий тарихи ва маънавий меросини ҳўқор ўрганиш, маданият масканларини ривожлантиришға муҳим аҳамият касб этиши қайд этилди.

Шавкат Мирзиёев “Андижон биокимё заводи” акциядорлик жамияти томонидан Хўжабод туманида ташкил этилган боғни бориб кўрди.

Халқимиз фаровонлиги, юртимиз бозорлари тўқинлигиға Андижон фермер ва деҳқонлари муносиб ҳисса қўшмоқда. Пахта майдонлари қисқартирилиб, қишлоқ ҳўжалиги таркибий ўзгаришлариётгани натижасида мева-сабзавот етиштириш кўпаймоқда, экспорт ҳажми ошмоқда.

Хўжабод туманидаги лалми майдонда ташкил этилган ёнғоқзор ва тоқзор ҳам шу мақсадға қаратилган. Туманда 20 гектарға Калифорния ёнғоғи, 23 гектарға ток этилган. Келгусида экин майдонни кенгайтирилиб, мева турлари кўпайди. Қатор ораларига бенгали қалампири, пиёз, картошка, ловия, мошнинг харидордигр навлари ва бошқа сабзавотлар этилди.

Президентимиз ўрмон ҳўжалигини ривожлантиришға оид қарор масоҳоти ҳақида тўхталди. Андижоннинг илмий ва меҳнат салоҳиятида фойдаланиш, бу йўналишда илмий-ишлаб чиқариш маркази ташкил этиш, харидордигр маҳсулотлар етиштириш орқали халқимизнинг даромадини кўпайтириш зарурлигини таъкидлади. Андижон қишлоқ ҳўжалиги институти ва тегишли коллежларда ўрмончилик соҳасида малакали кадрлар тайёрлаш бўйича кўрсатилган берди.

Шу ерда Кўрғонтепа туманидаги “Боғи Фурқат” фермер ҳўжалиги базасида қишлоқ ҳўжалиги уруғчилиги ва қўчатчиликни ривожлантириш лойиҳаси намойиш қилинди. Бу ерда замонавий биотехнология асосида лаборатория ташкил этилиб, вурсисиз уруғ ва қўчатлар етиштириш йўлга қўйилди. Бундай ўсимликлар касалликларға чидамли, ҳосилдор бўлади. Қиймати 1 миллиард 600 миллион сўм бўлган ушбу лойиҳа самарасида ёнғоқ, бодом, узум, помидор, картошка ва бошқа қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларининг уруғ ва қўчатлари етиштирилади, агро-саноат тармоқлариға ва аҳолиға етказиб берилади. 38 иш ўрни яратилади.

Одамлар далаға кирдимиз, албатта, даромад топсин. Такорор айтман, халқ бой бўлса, давлат ҳам бой бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги салоҳиятини янада ошириш мақсадида барча ҳудудда гидропоника усулида иссиқхоналар барпо этиш режалаштирилмоқда. Ихчам ва

самарадор бундай иссиқхоналар юқори сифатли полиз маҳсулотлари етиштириш, минглаб иш ўринлари яратиш имконини беради.

Президентимиз Хўжабод туманидаги “Навигул” кўшма корхонаси ҳудудида ташкил этиладиган мева-сабзавотларни қайта ишлаш, музлатиш ва сотишға ихтисослаштирилган йирик логистика комплекси лойиҳаси билан танишди.

“Навигул” Ўзбекистон – Германия кўшма корхонасида жаҳон бозори конъюктураси талабидан келиб чиқиб, мамлакатимиз экспорт салоҳиятини ошириш, ички бозорни йил давомида мева-сабзавот маҳсулотлари билан таъминлаш, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш борасида салмоқли ишлар амалға оширилмоқда. Бугун бу ерда тайёрланаётган томат пастаси, қуритилган бўлгор қалампири, қалажон, шўнингдек, олма, олча, ўрик қоқиси сингари маҳсулотлар нафақат мамлакатимиз, балки хорижда ҳам харидордигр.

“Ўзвиносаноат-холдинг” компанияси негизидиға “Тошкент вино комбинати” акциядорлик жамияти ва Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан ҳамкорлиқда кўшма корхона ҳудудида “Fruit industries” масъулияти чекланган жамияти ташкил этиш режалаштирилган. Янги корхона мева-сабзавотларни қайта ишлаш, қуриш, шарбат тайёрлаш ва экспорт фаолияти билан шўғулланади. 6 гектар майдонда қўчат етиштириладиган иссиқхона, 255 гектар майдонда томчилатиб сўғориладиган интенсив боғ ташкил этилади, 615 гектар майдонда сабзавот етиштирилади, 7 минг тонна мева-сабзавотни сақлашға мўлжалланган музлаткич қурилади.

Давлатимиз раҳбари корхонанинг дастлабки босқичи – мева-сабзавотларни қуриш тизимининг иш бошлашиға бағишланган раъзий тўғмони босди. Технолодик линиянинг иш жараёнини кузати. Қуритилган маҳсулотлар намуналари билан танишди.

Лойиҳанинг умумий қиймати 24 миллион доллар бўлиб, шўндан 14 миллион доллар Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки, қолгани корхона маблағлари ҳисобидан қопланади.

Корхонани шу йилнинг учинчи чорагида тўла ишға тушириш режалаштирилган. Бу ерда йилға 30 минг тонна мева-сабзавот қайта ишланади, 1 минг 250 иш ўрни яратилади.

Асака туманидаги “Обод турмуш орузи” фермер ҳўжалигида ташкил этиладиган мева-сабзавотларни қуриш ва музлаткич ташкил этиш, “Ўзбекозиковақтохдинг” компанияси ва тижорат банклари ҳамкорлигида 2017-2018 йилларда амалға оширилиш режалаштирилаётган озик-қоқ соҳасини ривожлантириш дастури лойиҳалари намойиш этилди.

Президентимиз мазкур лойиҳаларни ўз вақтида амалға ошириш, янги корхоналарни малакали мутахассислар билан таъминлаш юзасидан мутасаддиларға тегишли кўрсатмалар берди. Янги ташкил этилаётган корхоналарға хомаёни вақтида етказиб бериш лозимлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбарига “Ўзбекчармпоайбазли” уюшмаси ва тижорат банклари ҳамкорлигида вилоятда 2017-2018 йилларда амалға оширилиш режалаштирилаётган чармпоайбаз соҳасини ривожлантириш дастури ва соҳаға доир бошқа лойиҳалар, бозорлар инфратузилмасини янада ривожлантириш бўйича режалаштирилаётган чора-тадбирлар ҳақида ҳам маълумот берилди.

Шавкат Мирзиёев ушбу лойиҳалар билан танишар экан, тайёрланадиган маҳсулотларни нафақат ички бозорға етказиш, экспортға ҳам чиқариш чораларини кўриш зарурлигини қайд этиди.

Президентимиз “Хонобод” санаторийсини бориб кўрди. Санаторий ҳудудини ободонлаштириш, қуриш ишларини охириға етказиб, оромгоҳни келгуси йили Наврўз байрамига фойдаланишға топшириш бўйича кўрсатмалар берди.

Хонобод шаҳрини ҳар томонлама ривожлантириш, аҳоли бандлиги ва фаровонлигини ошириш масалаларига эътибор қаратилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги “2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янги-ланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастури тўғрисида”ги қарорига мувофиқ барча ҳудудда шинам турар жойлар бунёд этилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Бўз тумани “Чорвадор” маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида қурилган ана шўндай уйларни бориб кўрди. Ақмал ва Зилолаҳон Раҳмоновлар хонадонида бўлиб, яратилган шароитлар, оиланинг турмуши, фарзандлар тарбияси билан қизиқди.

Ушбу маҳаллада майдончи 2 сотихли, уч хонали 10 замонавий уй бунёд этилган. Уйлар табиий газ, тоза ичимлик суви ва электр энергияси билан таъминланган.

Шавкат Мирзиёев бундай турар жойларни кўпроқ қуриб, одамларға муносиб шароитлар яратиш доимо эътиборда бўлмоғи зарурлигини таъкидлади. Мутасаддиларға уй-жойларни аҳоли истағи ва замон талаблари асосида лойиҳалаштириш ва бунёд этиш юзасидан тавсиялар берди.

Президентимиз Бўз туманида енгил саноат соҳасидаги лойиҳалар билан танишди.

Андижон вилоятида 20 йирик енгил саноат корхонаси фаолият кўрсатмоқда.

“Ўзбекенгилсаноат” акциядорлик жамияти ва тижорат банклари ҳамкорлигида Андижон вилоятида 2017-2018 йилларда 19 лойиҳа амалға оширилиш режалаштирилган. Уларнинг самарасида тармоқнинг экспорт салоҳияти 2,8 баробар ошди, қарийб 9 минг 850 иш ўрни яратилади.

Ушбу лойиҳаларнинг 8 таси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банкининг молиявий кўмағида Андижон шаҳри, Андижон, Пахтабод, Шаҳрихон, Бўз, Балиқчи туманларида амалға оширилади. Мазкур лойиҳалар 4,3 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш, 1 минг 325 кишини иш билан таъминлаш имконини беради.

Хўжабод туманидаги “Нил Гранит” масъулияти чекланган жамияти “Samu” бренди остида йилға 5 миллион донна тайёр кийим ишлаб чиқармоқда. 480 киши меҳнат қилаётган корхона маҳсулотлари Россия, Украина, Мол-

дова, Қозоғистон, Қирғизистон каби мамлакатларға экспорт қилинмоқда.

Корхонада калава ип ва мато бўяш, тайёр мато ишлаб чиқариш ва уларға безак беришни йўлга қўйиш режалаштирилган. Бунинг самарасида экспорт ҳажмини йилға 25 миллион долларға етказиш, қўшимча 1 минг 180 иш ўрни яратиш мўлжалланган.

“Олтин мато текс” масъулияти чекланган жамияти томонидан Андижон шаҳрида ташкил этиладиган корхона ҳам соҳадаги истиқболли лойиҳалардан биридигр. Корхонада Япония, Бельгия, Туркиядан келтириладиган ускуналар асосида тайёр кийим-кечаклар, трикотаж мато, калава ип ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

“Водий саноат фаҳри” ва “Сайёра фарвораси” масъулияти чекланган жамиятларида ҳам ишлаб чиқаришни кенгайтириш, маҳсулотларни жаҳон бозорига чиқариш, аҳолини иш билан таъминлашға қаратилган истиқболли лойиҳалар амалға оширилиш режалаштирилган.

Президентимиз мазкур лойиҳаларнинг ташаббускори бўлган тадбиркорлар билан суҳбатлашди. Бозор талабларидан келиб чиққан ҳолда маҳсулот тайёрлаш, замонавий технология ва тенденциялардан кенг фойдаланиш, аниқ ҳисоб-китоб билан иш юритиш бўйича тавсиялар берди.

Президентимиз Олтинқўл туманидаги “Бахт имкон ривож чорваси” кўп тармоқли фермер ҳўжалиги фаолияти билан танишди.

Хўжалиқда 2 минг бошға яқин зотли қорамол, 300 бош насли эчки боқилмоқда. Илгор технологиялар асосида иш ташкил этилган ҳўжалиқда маҳсулотдорлик юқори. Ҳар бир сигирдан қуниға 25-28 литр, эчкидан 3-3,5 литр сўт соғиб олинмоқда. Умуман, ҳўжалик томонидан сутни қайта ишлаш корхоналарига бир кеча-кундузда қарийб 20 тонна сўт етказиб берилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Германиядан келтирилган зотдор эчкиларни боқиш жараёни, юртимиз иқлимиға мослашиш билан қизиқди.

Эчки сутининг сифати юқорилиги кўпчиликка маълум. Эчки сути табиий хўсусликларға эга бўлиб, ошқозон касалликлари, камқонлик, кўз нури пасайишининг олдини олиш ва длатездра фойдалидигр.

Эчки сути узок вақт яхши сақланади. Хона ҳароратида уч кун, музлаткичда бир ҳафтадан кўп вақт давомида ўз хўсуслиятини йўқотмайди. Эчки сутида кўп миқдорда қалий бўлиб, юрак-нафас олиш тизими фаолиятини яхшилайди.

Фермер ҳўжалигида қўшимча иш ўринлари яратиш мақсадида янги лойиҳалар амалиётға татбиқ қилинмоқда.

Давлатимиз раҳбарига кўрсатилган лойиҳаға кўра, 700 бош насли эчки олиб келиш орқали янги тармоқ йўлга қўйилди. Истиқболли юқори баҳоланаётган мазкур лойиҳани жорий йилда ишға тушириш мўлжалланмоқда.

Чорвачилик сердаромад соҳа ҳисобланади, буни унутмайлик, деди Президентимиз. Шифобахш бўлган эчки сутига нафақат юртимизда, балки чет элда ҳам талаб юқори. Шўнинг учун бу соҳани ривожлантиришға алоҳида эътибор қаратиш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозим.

Вилоятнинг Улуғнор туманидан фермер ҳўжалигиға 300 гектар ер ажратилган. Бу ерининг 200 гектарига ёнғоқ, 100 гектарига унаби экилиб, томчилатиб сўғориш технологияси йўлга қўйилди.

Фермер ҳўжалигининг ана бир истиқболли лойиҳаси биогаз ишлаб чиқариш тармоғидигр. Хитойда ишлаб чиқарилган замонавий технологиялар ёрдамида йилға 600 минг куб метр биогаз ишлаб чиқариш лойиҳаси ишға тушган, 40 янги иш ўрни яратилади.

Президентимиз лойиҳалар доирасида олиб борилаётган ишлар юзасидан тегишли тавсиялар берди.

Шавкат Мирзиёев вилоятда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалға оширилаётган лойиҳалар билан танишди.

Улуғнор туманида ташкил этиладиган 2000 бош қорамол ва 10 000 бош насли эчки боқишға мўлжалланган чорвачилик комплекси ва сутни қайта ишлаш лойиҳасининг тақдироти бўлиб ўтди. Лойиҳа ҳақида батафсил маълумот берилди. Давлатимиз раҳбари аҳолини сифатли сўт ва сўт маҳсулотлари билан таъминлаш муҳим вазифалардан бири эканини таъкидлади.

Бўз туманидаги “Evro Ekfin” масъулияти чекланган жамияти жаҳон бозори талабларидан келиб чиқиб, энг сўнгги технологиялар асосида сутни қайта ишлаш ва сўт маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳасини амалға оширмоқда. Бугунки кунда қурилиш ишлари олиб борилаётган чорвачилик комплексида 2 минг бош насли қорамол боқиш кўздида тутилган. 200 кишининг бандлиги таъминланадиган комплекс ишға тушган, йилға 13 минг тонна сўт етказиб берилади.

Асака туманидаги “Умид” хўсусий корхонасининг паранда боқишға ихтисослаштирилган комплекси лойиҳаси ҳам кўздан кечирилди. Хозирги кунда корхонада 80 минг паранда боқилмоқда. Янги лойиҳаға кўра, 80 миллион донна туҳум ва 150 тонна паранда гўшти етказиб берилади. Маъмура ишға тушган, 100 киши доимий иш жойига эга бўлади.

Олтинқўл туманида томоркалардан унумли фойдаланиш борасида илгор таърибға тўлганган. Айниқса, “Қумақай”, “Чўнтақ” маҳалла фуқаролар йиғинларида иш намунаи йўлга қўйилган. Давлатимиз раҳбари тижорат банклари ва тадбиркорлар томонидан аҳоли хонадонларига лимон, унаби ва ёнғоқ қўчатлари ва паранда етказиб бериш дастурининг ушбу туман мисолидаги тақдироти билан танишди. Лойиҳаларни янада такомиллаштириш, уларни белгиланган муддатларда ишға тушириш юзасидан мутасаддиларға топшириқлар берди.

Давлатимиз раҳбари расмилгида Андижон вилояти ҳокимлигида ўтган йилигишда вилоят иқтисодиётини янада ривожлантириш, муҳандислик-коммуникация тармоқларини яхшилаш, аҳоли турмуш даражасини ошириш, аҳоли бандлигини таъминлаш, Ҳаракатлар стратегиясини ижроси каби масалаларға алоҳида эътибор қаратилди.

Президентимизнинг Андижон вилоятиға ташрифи давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ФАРМОНИ

ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ветеринария соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш, ҳайвонларнинг соғлиғини сақлаш бўйича самарали ишларни ташкил этиш, давлат ветеринария назоратини кўчатириш ва ветеринария сервис сифатини ошириш, эпизоотик барқарорлиқни ва озик-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, ички ва ташқи бозорларда талаб юқори бўлган, ҳайвонлардан олинадиган рақобатдош маҳсулот ва хомаёи ишлаб чиқариш учун қўлай шарт-шароитлар яратиш, ветеринария хизмати тизимини янада ривожлантириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси ташкил этилсин.

Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Қишлоқ ва сув ҳўжалиги, қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари масалалари комплекси таркибига кирди.

2. Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария кўмитасининг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб қуйидагилар белгилансин:

ветеринария соҳасида ягона давлат сиёсатини амалға ошириш, меъёрий-ҳуқуқий тартибға солишни таъминлаш, ушбу соҳада давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро ҳамкорлигини мувофиқлаштириш, ветеринария фаолиятини лицензиялашни амалға ошириш;

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг
ҚАРОРИ

ЁНҒОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИЛАР УЮШМАСИНИ ТУЗИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

Лалми ерлардан фойдаланишни рағбатлантириш ва самарадорлигини янада ошириш, ички ва ташқи бозорларда рақобатдош бўлган ёнғоқ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш, хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш ҳисобига замонавий ёнғоқ плантацияларини барпо қилиш ҳамда ёнғоқ етиштириш бўйича илмий асосланган усуллар ва интенсив технологияларни кенг жорий этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўрмон ҳўжалиги давлат кўмитаси, “Sag agro” ва “Sam antep gilam” масъулияти чекланган жамиятларининг:

Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини (кейинги ўринларда Уюшма деб аталади);

Уюшма таркибида масъулияти чекланган жамият шаклида Ёнғоқчилик илмий-тадқиқот маркази, Ёнғоқ логистика маркази, “Sag agro МТП” МЧЖ, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё, Наманган ва Тошкент вилоятларида ҳудудий “Ёнғоқагро” МЧЖ ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар Уюшманинг асосий вазифалари ва фаолият йўналишлари этиб белгилансин:

маҳаллий табиий-иқлим шароитларига мослаштирилган ёнғоқнинг серхосил замонавий плантацияларини яратиш, шўнингдек, ёнғоқ етиштиришнинг илмий асосланган усулларини, ресурсларни тежовчи технологияларни кенг жорий этиш бўйича қабул қилинган дастурларнинг амалға оширилишини мувофиқлаштириш;

республика ҳудудларига ёнғоқ ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш чораларини кўриш, маҳсулотни сотиш бозорларини кенгайтириш мақсадида маркетинг тадқиқотларини олиб бориш, экспорт ҳажмини кўпайтириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш;

республика ҳудудларининг табиий-иқлим шароитларига мос келишини инобатға олган ҳолда, ёнғоқнинг серхосил ниҳолларини лаборатория шароитларида етиштиришни ташкил этиш;

ишлаб чиқилган инновациявий технологияларни ёнғоқ етиштириш жараёниға жорий қилиш учун илмий-тадқиқот ишларини олиб бориш;

ёнғоқ қўчатларини парвариш қилишға жалб этиладиган агрономларни ёнғоқ плантацияларида агротехник тадбирларни тўғри ўтказиш бўйича ўқитиш учун махсус тайёрлов курсларини ташкил этиш;

Уюшма таркибига кирувчи ташкилотларға норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш, имтиёз ва преференциялар бериш, хорижий инвестицияларни, жўмладан, халқаро молия институтларининг маблағларини жалб қилиш йўли билан давлат кўмагини олишда ҳар томонлама кўмаклашиш.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

ветеринария хизматини янада ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ишлаб чиқиш, мамлакатимиз ҳудудларига ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан ҳимоя қилишни таъминлаш, амалиётга ҳайвонларни даволашнинг ва профилактикасининг замонавий усулларини жорий этиш, маҳаллий ва хорижий фан ютуқларини татбиқ этиш асосида ветеринария дори воситаларининг янги турлари ва шаклларини ишлаб чиқариш;

эпизоотик барқарорлиқни таъминлашда ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олишга доир профилактик ишларнинг самарадорлигини мониторинг қилиш;

ветеринария тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишида давлат назоратини таъминлаш, ветеринария соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини сифатли ва тизимли равишда ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни ўз вақтида ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

ҳайвонларни касалликлардан ҳимоя қилиш, ҳайвонлардан олинadиган маҳсулот ва хомашё хавфсизлигини таъминлашда идоравий ҳамда ишлаб чиқариш ветеринария хизматлари фаолиятини мувофиқлаштириш;

ветеринария дори воситалари ва озқувоб қўшимчаларнинг сифати ҳамда муомаласи юзасидан назоратни амалга ошириш;

кадрларни тизимли қайта тайёрлаш ва малакасини оширишни ташкил этиш, раҳбар ва мутахасссларнинг иш услуби ва шаклларини такомиллаштириш, шу жумладан, тизимга қарашли идоралар, юклатилган вазифаларни ўз вақтида ва сифатли ижроси бўйича уларнинг масъулиятини ошириш;

ветеринария соҳасида илмий, услубий ва таълим салоҳиятини ҳар томонлама ривожлантириш, илмий тадқиқотлар йўналишларини белгилаш, фундаментал ва амалий тадқиқотлар, инновация ишланмалари натижаларини ветеринария амалиётига жорий этилишини мувофиқлаштириш;

халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш ҳамда ветеринария хизмати фаолиятига илғор технологиялар ва иш услубларини жорий этиш.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси тизимида қуйидагилар ташкил этилсин:

ҳудудий давлат ветеринария бошқармалари негизда Қорақалпоғистон Республикаси ветеринария қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария бошқармалари; ҳудудий давлат ветеринария бўлимлари базасида туманлар (шаҳарлар) ветеринария бўлимлари.

Қорақалпоғистон Республикаси ветеринария қўмитаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария бошқармалари Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасига ва тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳисобот берадилар.

4. Белгилаб қўйилсинки:

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасининг раиси Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг тақдимномасига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси раисининг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Қорақалпоғистон Республикаси ветеринария қўмитаси раиси Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси раиси билан келишилган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария бошқармаларининг бошлиқлари Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси раиси томонидан вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларининг тақдимномасига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

туманлар (шаҳарлар) ветеринария бўлимлари бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси ветеринария қўмитаси раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ветеринария бошқармаларининг бошлиқлари томонидан туман (шаҳар) ҳокимларининг тақдимномасига биноан лавозимга тайинланади ва лавозимдан озод этилади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасининг раиси Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ветеринария инспектори, унинг ўринбосарлари Ўзбекистон Республикасининг Бош давлат ветеринария инспекторининг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасининг Давлат ветеринария назорати бошқар-

маси ветеринар мутахассслари ўз ваколатлари доирасида давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади;

Давлат чегарасидаги ва транспортдаги давлат ветеринария назорати бошқармаси бошлиғи давлат чегарасидаги ва транспортдаги бош давлат ветеринария инспектори, унинг ўринбосарлари эса давлат чегарасидаги ва транспортдаги бош давлат ветеринария инспекторининг ўринбосарлари ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси ветеринария қўмитаси раиси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ветеринария бошқармаларининг бошлиқлари Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туманлар (шаҳарлар) бош давлат ветеринария инспекторлари, уларнинг ўринбосарлари эса тегишли равишда Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар бош давлат ветеринария инспекторларининг ўринбосарлари ҳисобланади;

туманлар (шаҳарлар) ветеринария бўлимларининг бошлиқлари тегишли равишда туманлар (шаҳарлар) бош давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади;

ветеринария уюшмалари ва бозорлар ветеринария-санитария экспертиза лабораториясининг мудири, тегишли равишда участка ва бозорларда давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади;

чегарадаги ва транспортдаги ветеринария пунктларининг (участкаларининг) бошлиқлари ва ветеринар врачлари, тегишли равишда чегарадаги ва транспортдаги ветеринария пунктларининг (участкаларининг) давлат ветеринария инспекторлари ҳисобланади.

5. Белгилансинки:

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармасининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий вориси ҳисобланади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасининг ўз ваколатлари доирасида қабул қилган қарорлари вазирлиқлар, идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан ижро этилиши мажбурий ҳисобланади;

Давлат ветеринария хизмати Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг маблағлари ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан таъминланади.

6. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигининг:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази тасарруфидаги Ветеринария илмий-тадқиқот институтини Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси тузилмасига бериш тўғрисидаги;

Эпизоотияга қарши курашиш республика экспедицияси ва Ҳайвонларнинг оқсил касаллигига қарши курашиш отряди тугатилиб, уларнинг функцияларини Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасининг Ҳайвонлар соғлигини сақлаш бошқармаси зиммасига юклаш тўғрисидаги;

Ҳайвонларнинг ўта хавfli касалликлари бўйича давлат лабораторияси, Парранда касалликлари бўйича давлат ветеринария лабораторияси ва Республика давлат ветеринария лабораторияси негизда Республика Ҳайвонлар касалликлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ташхис марказини ташкил этиш тўғрисидаги;

Ветеринария дори воситалари ва озқувоб қўшимчаларнинг сифатини назорат қилиш давлат лабораториясини Ветеринария дори воситалари ва озқувоб қўшимчалари сифати ва муомаласини назорат қилиш давлат илмий марказига айлантириш тўғрисидаги тақлифларга розилик берилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳасини белгиланган тартибда киритсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлиқлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгариш ва қўшимчалар тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

9. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
Ш.МИРЗИЁЕВТошкент шаҳри,
2017 йил 1 июньЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ “ДАВЛАТ ВЕТЕРИНАРИЯ ХИЗМАТИ
БОШҚАРУВИ ТИЗИМИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ
ТЎҒРИСИДА”ГИ ФАРМОНИГА ШАРҲ

Кейинги йилларда мамлакатимизда қорвачиликни янада ривожлантириш, қорамол ва паррандалар бош соғлиғи барқарор оширишнинг таъминлашда давлат ветеринария хизмати тизимини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Давлат ветеринария хизмати бошқаруви тузилмасини оқилона ташкил этиш, илмий-лаборатория, моддий-техника базаси ва кадрлар салоҳиятидан самарали фойдаланиш Ҳайвонларни касалликлардан сақлаш, республикамизга ўта хавfli юқумли касалликлар кириб келиши ва тарқалишининг олдини олишда, аҳолини одамлар ва Ҳайвонлар учун умумий бўлган касалликлардан ҳимоя қилишда ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашда муҳим институтга айланади.

Мамлакатимизда мустақиллик йилларида олиб борилган режалар ишлар натижасида қорамоллар сони 2,4 баробар, қўй ва эчкилар сони 2 қарра, паррандалар сони 1,9 марта ўсишига ҳамда гўшт маҳсулотлари ҳажми 2,8 баробар, сут 2,7 марта, туҳум 3,3 баробар ошишига эришилди.

Шу билан бирга, давлат ветеринария хизмати амалдаги тизимнинг таҳлили соҳада бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда, хусусан:

давлат ветеринария хизмати соҳасида ишларнинг умумий ҳолати мамлакатимизнинг жадал суръатларда иқтисодий-иқтисодий ривожланиш суръатларидан ва ҳозирги замоннинг Ҳайвонлар соғлиғи профилактикаси ҳамда ўз вақтида ва сифатли даволаш таъминлашга қаратилган замонавий талаблардан сезиларли даражада ортада қолмоқда;

тармоқда ягона вертикал бошқаруви тизими яратилмаган, унинг моддий-техника базаси маънавий ва ҳисмоний жиҳатдан эскирган;

Ҳайвонлар касалликларини профилактика қилиш ва даволашга илмий ишланмалар ва замонавий ветеринария дори воситаларини ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш, инновацион усулларни амалиётга жорий қилиш бўйича тизимли ишлар амалга оширилмаётти;

соҳада кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш борасида илмий-тадқиқот ва олий ўқув юртлари билан ўзаро ҳамкорлик йўлга қўйилмаган.

Ветеринария соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш, эпизоотик барқарорлик ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, ветеринария сервис хизматлари сифатини ошириш ва давлат ветеринария хизматини янада такомиллаштириш, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришни бешта устувор йўналиш бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида қабул қилинган “Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили” Давлат дастурида назарда тутилган вазифаларни ҳал қилиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат ветеринария хизмати бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди.

Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси негизда Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси ташкил этилиб, унинг қуйидаги асосий вазифа ва йўналишлари белгиланди:

ветеринария соҳасида ягона давлат сиёсатини амалга ошириш ва давлат дастурларини ишлаб чиқиш, меъёрий-ҳуқуқий тартибга солишни таъминлаш, мазкур соҳада давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг ўзаро самарали ҳамкорлигини мувофиқлаштириш;

Ҳайвонлар юқумли касалликлари тарқалишининг олдини олиш, тезкор аниқлаш, ташхис қўйиш ва эпизоотик барқарорлиқни таъминлаш борасида амалга ошириладиган ишлар самарадорлигини мониторинг қилиш;

Ҳайвонларни турли касалликлардан сақлаш, Ҳайвонлардан олинadиган маҳсулот ва хомашёлар хавфсизлигини таъминлаш соҳасида идоравий ва ишлаб чиқариш хизматлари, шунингдек, хусусий ветеринария фаолиятини мувофиқлаштириш;

ветеринария дори воситалари ва озқувоб қўшимчаларининг сифати ҳамда муомаласи юзасидан назоратни амалга ошириш;

илмий-тадқиқот ишлари йўналишларини белгилаш, фундаментал, амалий ва инновацион ишланмаларни ветеринария амалиётга жорий этилишини мувофиқлаштириш ва бу мақсадларда халқаро ҳамкорлиқни кенгайтириш ҳамда илғор технология ва тажрибаларни ветеринария соҳасига жорий қилиш ва бошқалар.

Давлат ветеринария қўмитаси зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни бажариш учун давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорлик қилиш механизмлари, шунингдек, Ҳайвонларни идентификация қилиш ва рўйхатга олишнинг такомиллаштирилган тизими ишлаб чиқилади ва амалиётга жорий этилади.

Ветеринария соҳасида илмий-тадқиқотлар ҳажми, қўламини ва сифатини ошириш мақсадида мазкур Фармонга мувофиқ:

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Қишлоқ ҳўжалиги илмий-ишлаб чиқариш маркази тасарруфидаги Ветеринария илмий-тадқиқот институтини Давлат ветеринария қўмитаси тизимига ўтказилди;

Республика давлат ветеринария лабораторияси, Ҳайвонларнинг ўта хавfli касалликлари бўйича давлат лабораторияси ва Парранда касалликлари бўйича давлат ветеринария лабораторияси тугатилиб, уларнинг негизида Республика Ҳайвонлар касалликлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлиги ташхис маркази ташкил этилди;

Ветеринария дори воситалари ва озқувоб қўшимчаларининг сифатини назорат қилиш давлат лабораторияси Ветеринария дори воситалари ва озқувоб қўшимчалари сифати ва муомаласини назорат қилиш давлат илмий марказига айлантирилди;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори билан Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси ва бўлимларининг тузилмаси, шунингдек, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон

Республикаси давлат ветеринария хизмати фаолиятини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди, дастурда қуйидаги вазифалар:

ветеринария қўнимчилигини такомиллаштириш ва унга амал қилишни устидан назорат ўрнатиш бўйича тақлифлар ишлаб чиқиш;

Давлат ветеринария хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш; ветеринария соҳасида қўлланиладиган асбоб-ускуналар ва ветеринария дори воситалари ишлаб чиқариш бўйича мавжуд қувватларни модернизация қилиш ва янгиларини жорий этиш;

амалдаги диагностика усуллари ва воситаларини, Ҳайвонларни даволаш ва профилактика қилишни такомиллаштириш ҳамда аҳолини хавфсиз ва сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашни амалга ошириш назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва қарорининг амалиётга татбиқ этилиши:

Биринчидан, ветеринария соҳасида ягона давлат сиёсатини қоритишга;

иккинчидан, ветеринария амалиётининг фан билан ўзаро самарали ва фаол ҳамкорлигини таъминлашга;

учинчидан, мавжуд кадрлар салоҳиятининг мустаҳкамлаш ва юқори малакали кадрлар захирасини яратишга;

тўртинчидан, Ҳайвонлар соғлиғи ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашда соҳа фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтаришга мустаҳкам замин яратди.

ЁНҒОҚ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИЛАР ВА ЭКСПОРТ ҚИЛУВЧИЛАР УЮШМАСИНИ
ТУЗИШ ВА УНИНГ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда)

3. Маълумот учун қабул қилинсинки: “Sag agro” МЧЖ ва “Sam enter gilm” МЧЖ, “Ёнғоқчилик илмий-тадқиқот маркази” МЧЖ, “Ёнғоқ логистика маркази” МЧЖ, “Sag agro МТП” МЧЖ, шунингдек, ҳудудий “Ёнғоқагро” масъулияти чекланган жамиятлари Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасининг муассислари ҳисобланади;

“Ёнғоқчилик илмий-тадқиқот маркази” МЧЖ ёнғоқчи маҳаллий иқлимга мослаштириш ва районлаштириш, серхосил, тез пишар, қурғоқчиликка чидамли ва вируссиз навлар бўйича илмий-тадқиқот ишларини амалга оширади;

“Ёнғоқ логистика маркази” МЧЖ ёнғоқ маҳсулотларини қайта ишлаш ва сақлаш бўйича хизматлар кўрсатишга, шунингдек, экспорт қилинадиган маҳсулотларини тайёрлаш ва боқжона ҳужжатлари расмийлаштирувчи таъминлашга ихтисослашди;

“Sag agro МТП” МЧЖ ёнғоқ ишлаб чиқарувчиларга агро-техник тадбирларни амалга ошириш бўйича механизация хизматлари кўрсатади;

ташқиқотлар Уюшмага эркин аъзо бўлиш ҳамда унинг таркибидан чиқиш ҳуқуқига эгадир;

Уюшма фаолиятини молиялаштириш унинг таркибига кирувчи ташқиқотларнинг ихтиёрий ажратмалари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа маблағлар ҳисобига амалга оширилади;

4. Қуйидагилар:

Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасининг ташқиқоти тузилмаси ва унинг таркибига кирувчи ташқиқотлар ўртасидаги ўзаро муносабатлар схемаси 1 ва 1-а) иловаларга;

бошқарув ҳодимларининг умумий чекланган сони 20 нафар бўлган ижро этувчи аппарати тузилмаси 2-иловага;

ҳудудий “Ёнғоқагро” масъулияти чекланган жамиятларининг намунавий тузилмалари 3-иловага мувофиқ маъқуллансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Уюшма раиси ва унинг ўринбосарлари муассисларнинг умумий йиғилиши қарори билан сайланади ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тасдиқланади;

6. Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмасини ҳамда ҳудудий “Ёнғоқагро” масъулияти чекланган жамиятларини ташкил этиш билан боғлиқ ташқиқотий тадбирларни мувофиқлаштириш ва уларни амалга оширишга қўмақлаштириш бўйича 4-иловага мувофиқ таркибда Ишчи гуруҳ (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳ деб аталади) тузилсин.

Ишчи гуруҳ (З.Т.Мирзаев) бир ой муддатда:

Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси ҳамда ҳудудий “Ёнғоқагро” масъулияти чекланган жамиятлари белгиланган тартибда ташкил этилишини;

Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси Уставининг тасдиқланишини ва давлат рўйхатидан ўтказилишини;

Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси ижро аппарати тасдиқланган тузилмага ва штатлар жадалига мувофиқ пухта танлаш асосида юқори малакали мутахассислар билан тўлдирилишини таъминласин.

7. Ишчи гуруҳ (З.Т.Мирзаев) Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ўрмон ҳўжалиги давлат қўмитаси билан биргаликда уч ой муддатда 2017-2021 йилларда ёнғоқ етиштириш ҳақини янада қўлайитириш бўйича чора-тадбирлар дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ҳамда Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин, Дастурда қуйидагилар:

биринчи босқичда (2017-2019 йиллар) – ёнғоқ қўчатларини республикага олиб келиш;

иккинчи босқичда (2018-2019 йиллар) – ёнғоқчи пайвандлаш учун пайвандтагиларни келтириш;

учинчи босқичда (2020 йил) – лаборатория шароитида ёнғоқнинг тегишли минтақа табиий-иқлим шароитларига мос юқори ҳосилдор навларини ишлаб чиқариш;

тўртинчи босқичда (2018-2020 йиллар) – ёнғоқ етиштириш ва уни ички ҳамда ташқи бозорда сотишни йўлга қўйиш назарда тутилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Андижон, Қашқадарё, Жиззах, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Тошкент ва Фарғона вилоятлари ҳокимлари, Ёнғоқ ишлаб чиқарувчилар ва экспорт қилувчилар уюшмаси икки ой муддатда:

Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Давлат геодезия ва минерал ресурслар қўмитаси, Тупроқшунослик ва агрохимия илмий-тадқиқот институтини, хорижий мутахассислар билан биргаликда табиий-иқлим шароитлари ва тупроқ таркиби бўйича ёнғоқ қўчатларини экиш учун қўлай, умумий майдони 10 минг гектаргача бўлган ер участкалари танлашини;

ёнғоқ плантацияларини барпо этиш бўйича лойиҳа ташаббускорлари – тадбиркорлик субъектлари танлаб олинишини таъминласинлар.

9. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Қишлоқ ҳўжалиги қорхоналарини таркибий қайта тузиш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки билан биргаликда икки ой муддатда ёнғоқ плантацияларини барпо этиш бўйича лойиҳаларини, шу жумладан, халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитларини жалб қилиш ҳисобига, босқичма-босқич молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва 50 миллион АКШ долларигача бўлган миқдорда кредит маблағлари ажратилишини таъминласин.

10. Ёнғоқ плантацияларини барпо этиш бўйича лойиҳаларини амалга ошириш доирасида Уюшма таркибига кирувчи ташқиқотлар томонидан четдан олиб келинадиган Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган томчилатиб сугориш ускуналари, махсус қишлоқ ҳўжалиги техникалари, ёнғоқ қўчатлари, пайвандтагилари, пайвандустлари, оналик материаллари, белгиланган тартибда тасдиқланмаган рўйхат асосида, боқжона тўловларидан (боқжона йиғимлари бун-

дан мустасно) 2020 йилнинг 1 январигача бўлган муддатга озод этилсин.



МАМЛАКАТИМИЗДА

• Фарғона политехника институтида 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Харажатлар стратегиясини ўрганиш ва тарғиб этишга бағишланган илмий-амалий семинар бўлиб ўтди. Унда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, тарғиботчилар, ёшлар иштирок этди.

• Нукусдаги “Истиклол” болалар ёзги дам олиш марказида “Хар бир болага меҳр, эътибор!” шiori остида ўтказилаётган ҳафталик доирасида “Келажагимизнинг ёрқин юлдузлари” деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Қорақалпоғистон Республикаси хотин-қизлар кўмитаси ва бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда болалар ўртасида расм чизиш бўйича танлов, китобхонлик кечаси, турли викториналар ўтказилди.

• Самарқандда Ўзбекистон Халқ демократик партияси томонидан ўтказиб келинаётган “Еш сиёсатчи” кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. “Мен Ватаним равнақиға ҳисса қўишни хоҳлайман!” шiori остида ташкил этилган тадбирда танловнинг қўи босқичларида муваффақият қозongan 16 йигит-қиз иштирок этди.

ЖАҲОНДА

• Жанубий Африка Республикаси пойтахти Йоханнесбург шаҳрида иккинчи халқроқ мотофестиваль бўлиб ўтди. Экология ва ҳавфсизлик масалаларига муҳим эътибор қаратилган мазкур фестивал мухлислари учун нафақат янги русумдаги мотоцикллар билан танишиш, балки уларни бошқариб кўриш имконияти ҳам яратилди.

• Бангладешда камдан-кам учрайдиган ирсий касаллик – прогерияға чалинган чақалок дунёға келди. Прогерия касаллигида организм болаликдан бошланувчи тез қаришға учрайди. Прогерия билан касалланганлар одатда тахминан 13 йил умр кўрадилар. Бироқ баъзи ҳолларда бундай касалликка учраган болалар 20 ёшгача ҳам яшашлари мумкин. Дунёда прогерия билан касалланган қайд қилинган ҳолатлар 80 тадан ошмади.

• Американин ESPN телеканали дунёнинг энг машҳур спортчиларини аниқлаш мақсадида изланиш ўтказди. Спортчининг машҳурлиги унинг даромади, ижтимоий тармоқлардаги таъсири ва Google орқали изланиши каби омиллардан келиб чиқиб ҳисобланган бўлиб, танлов натижасига кўра, “Реал” ҳужумчиси Криштиану Роналду биринчи, “Кливленд” баскетболчиси Леброн Джеймс иккинчи, “Барселона” ҳужумчиси Лионель Месси эса учинчи ўринни эгаллади.

Пойтахтимизнинг Шайхонтоҳур туманида жойлашган 45-оилавий поликлиникада “Оилаларда соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш ҳамда оилани тўғри режалаштириш” мавзусида тадбир бўлиб ўтди.



ТИББИЙ МАДАНИЯТНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛДИ

Мазкур тадбирға тумандаги “Ўзбекистон”, “Илғор”, “Бўстон”, “Зафаробод”, “Хувайдо”, “Жарарик” ва “Тинчлик” маҳалла фуқаролар йиғинларининг раислари, фаоллари ва албатта, ёш оилалар ҳамда нурунийлар тақлиф этилди.

Тадбирда сўзға чиққан 45-оилавий поликлиника бош шифокори Шахноза Сағдуллаева, “Хувайдо” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Илхомжон Асадов, “Бўстон” маҳалласининг хотин-қизлар кўмитаси раиси Фарида Атаматова ва бошқалар Ўртабўстон раҳнамолигида соғлиқни сақлаш тизимига қаратилаётган эътибор ва бу борада эришилаётган ютуқлар ҳамда тиббиёт тизимига олиб борилаётган туз ислохларнинг олий мақсади – инсонларға ҳизмат қилиш эканлиги, қолаверса, ҳозирги даврда тиббиёт кўридан ўтиш масаласи долзарб эканлиги, шунинг учун ҳам ма-

халлалар раислари ва маслаҳатчилари тарғибот-ташвиқот ишларида фаол иштирок этишлари кераклиги ҳақида алоҳида таъкидлаб ўтишди.

— Ҳозирги пайтда маҳаллаларимизда 35 мингга яқин аҳоли истикомат қилади. Улардан 9054 нафарни фиртилъ ёшдаги аёллар ҳисобланади. Фуқароларға терапевт, педиатр, акушер, лор, невропатолог, жарроҳ ва бошқа мутахассислар томонидан тиббиёт ҳизмат кўрсатиб келинмоқда. Аини пайтда поликлиникамизға 5714 та хонадон ва 7040 та оила бириктирилган. Патронаж ҳизматлари кўнинг биринчи ярмида муассасада ишлаб, сўнгра ўзларига ажратилган ҳудудда аҳолиға патронаж ҳизматини кўрсатишмоқда, — дейди 45-оилавий поликлиника бош шифокори Шахноза Сағдуллаева.

Шунингдек, йиғилишда 45-оилавий

поликлиниканин умуий амалиёт шифокори Гулнәра Ризоева ва умуий амалиёт ҳамшираси Маҳбуба Жўрабоевалар томонидан аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, оилаларни тўғри режалаштириш, турмуш қуришдан олдин тиббиёт кўридан ўтиш ҳамда фиртилъ ёшдаги ва ҳомиладор аёлларға эътибор қаратиш масалалари, шунингдек, патронаж ҳизмати тўғрисида тадбир иштирокчиларига атрофлича тушунчалар беришди.

Ишчан ва мунозаларға бой тарзда кечган тадбир якунида соҳа мутахассислари аҳолини қизиқтирган мавзулар бўйича йиғилганларнинг саволларига жавоб беришди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, бугунги кунда тиббиёт соҳасида олиб борилаётган ишларнинг барчаси халқимизға замон талабларига мос, юкори си-фатли тиббиёт ҳизмат кўрсатиш, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш ва тиббиёт маданиятини юксалтиришға қаратилган, десак аини ҳақиқатни айтган бўламиз.

Бахтиёр ЖҲРАЕВ
К. Улмасов олган сурат

Мирзо Улуғбек туманидаги “Лашкарбеги” маҳалласи ҳудудида жойлашган 547-мактабгача таълим муассасасида баркамол авлодни тарбиялаш, уларнинг келажақда она Ватанимизда садоқат билан ҳизмат қилидиган инсонлар бўлиб вояға етказиш йўлида ибратли саъй-ҳаракатлар амалға оширилмоқда.

АВЛОДЛАР КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Шуни айтиш кераки, болалар муассасасида бажарилаётган ишлар, ранг-баранг тадбирлар ҳам уларнинг келажақда қомил инсонлар бўлиб етишишиға қаратилмоқда. Кўни кеча бўлиб ўтган мароқли маданият-маърифий тадбир ҳам фикримиз далилидир. Шу ўринда мактабгача таълим муассасасининг “Лашкарбеги” маҳалла фуқаролар йиғини, Тошкент шаҳар Баркамол авлод маркази ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлиги ҳам яхши натижалар бераётганлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Шу маданият-маърифий тадбирға пўхта тарафдор қўлиб, дейди “Лашкарбеги” маҳалла фуқаролар йиғини диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчиси Зулфихрон Расулий. — Бунда маҳалламиз ёшларининг ижодий кўргазмасини намойиш этишға, ёшлардан иборат ижодий гуруҳларнинг ўз маҳоратларини намойиш этишига асосий эътибор қаратилди. Тадбирға таъриф буюрган хорижий меҳмонлар, масъулиятли вазифаларда ишлайдиган ходимлар, маҳалла нурунийлари ва болалари уларнинг ҳар бир қишқиларини, икром этган шўх рақс ва қўишларини олқийшадилар.

— Жондан азиз болаларимиз бизнинг келажагимиз,

уларға бугун ажойиб совғалар берилди, — дейди 547-мактабгача таълим муассасасининг мудириси Эльмира Маҳмудова. — Ўз ишиға садоқатли бўлган жамоамиз аъзолари муассасамизда тарбияланаётган 320 нафардан ортиқ ширинтойларнинг жисмонан соғлом, маънан етук инсонлар бўлиб камол топиши йўлида бугун билим ва тажрибаларини ишға солмоқдалар. Жамоада жорий йилнинг ёз фаслида ҳам тарбияланаётган болақонларимизнинг ҳар томонлама чиниққан ҳолда ёзни ўтказишлари бўйича аниқ режалар ишлаб чиқилди. Ота-оналар ҳам, фарзандларимиз ҳам амалға оширилаётган таълим-тарбия ишларидан мамнун бўлишса, демак — олдимизға қўйилган мақсадға эришган бўламиз.

“Лашкарбеги” маҳалласида жойлашган мактабгача таълим муассасасида бўлиб ўтган тадбир унинг ҳар бир иштирокчиси қалбига бир олам заъв ва қувонч бағишлади. Байрам қатнашчилари гўзал ва бетакор юртимизда баркамол авлодни вояға етказиш йўлида кенг қўламда олиб борилаётган ибратли ишлардан мамнун бўлиб шу соҳа фидойиларининг эзгу фаолиятига аниқдан аниги ютуқлар тиладилар.

Солиҳ ЕҲУБЖОНОВ

Реклама ва эълонлар

“Auto Gold Grant” МҲЖ Тошкент шаҳар филиали очик аукцион савдосига таклиф этади!

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида 2017 йил 5 июль куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар Яшнобод туман СИБ томонидан 20.02.2016 й. № 10-1609/32500-сонли ижро ҳужжатиға ва 25.04.2016 йилдаги “Асбоб-ускуналар гарови тўғрисидаги” шартномаға асосан ПВХ эшикларини ишлаб чиқариш линияси 6/6-549 457 015 сўм. Тошкент шаҳри, Мустақиллик шох кўчаси, 107-уйда сақланмоқда. Сергели туман СИБ томонидан 21.01.2016 й. №2821/10-сонли ижро ҳужжатиға асосан Ваз-2103 р-ли, енгил машина, 1982 йилда и/ч, оқ, т/н, д/б 01G5430A 6/6 -3 959 000 сўм. “Audi servis plus” МҲЖда сақланмоқда.

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошириб бориш тартибида 2017 йил 21 июль куни соат 11.00да бўлиб ўтадиган такоран аукцион савдосига Суд департаментининг Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани СИБ томонидан 23.08.2016 й. № 41083-84/22-сонли ижро ҳужжати, “SNAAXI SX3251DM” р-ли, юк машина, 2009 йилда и/ч, оқ, д/б 01 209 QAA, 6/6-283 278 800 сўм. М.Улуғбек тумани, Т.Малик кўчаси, 3А-уйда сақланмоқда. 23.08.2016 й. №23518/22-сонли ижро ҳужжати, “Матиз” р-ли, енгил, 2006 йилда и/ч, оқ, д/б 01 Р 198 EA, 6/6-18 335 000 сўм. Сергели т.

“Сергели бозори” МҲЖ да сақланмоқда. 05.12.2014 й. №50783/28-сонли ижро ҳужжати, “Матиз” р-ли, енгил, 2004 йилда и/ч, оқ, т/н, д/б 01 Т 597 DA 6/6 -15 086 000 сўм. “SPACE ARSENAL SERVICE” МҲЖда сақланмоқда.

Суд департаментининг Тошкент шаҳар Миробод туман СИБ томонидан 12.08.2015 й. №19790/19, BA3-2107 р-ли, қизил, 1990 йилда и/ч, т/н, д/б 01 A078NA, 6/6 - 8 303 701 сўм. 21.01.2015 й. №635/19, BA3-2103 р-ли, қизил, 1980 йилда и/ч, т/н, д/б 10 B126KA, 6/6 - 4 330 969 сўм. 11.08.2014 й. №23695/19, ГБА СПГ BA3-2107 р-ли, оқ, 1998 йилда и/ч, т/н, д/б 01 L470NA, 6/6 -10 887 819 сўм. 11.08.2014 й. №23696/19, ГБА СПГ BA3-2106 р-ли, оқ, 1980 йилда и/ч, т/н, д/б 01 G306QA, 6/6 - 4 186 152 сўм. 22.01.2014 й. №2273/19, BA3 2106 р-ли, жигарранг, 1978 йилда и/ч, т/н, д/б 10 J106FA, 6/6 - 3 714 561 сўм. 26.08.2011 й. №15694/21, BMW-316 р-ли, оқ, 1981 йилда и/ч, т/н, д/б 11 Z5740, 6/6 - 2 694 254 сўм. BA3-2106 р-ли, жигарранг, 1984 йилда и/ч, т/н, д/б 01 T509MA, 6/6 - 5 794 103 сўм. 09.04.2015 й. №84/33, BA3-2101 р-ли, қизил, 1980 йилда и/ч, т/н, д/б 01 G487SA, 6/6 -12 672 677 сўм. “SPACE ARSENAL SERVICE” МҲЖда сақланмоқда. 12.08.2015 й. №19791/19, Спарк р-ли, оқ, 2012 йилда и/ч, т/н, д/б

01Y540RA, 6/6 - 29 452 185 сўм. 25.01.2016 й. №963/19, Лада Калина BA3-11183-110-20 р-ли, изабелла, 2008 йилда и/ч, т/н, д/б 01 E 885 FA, 6/6 - 23 551 876 сўм. Сергели т, “Сергели бозори” МҲЖда сақланмоқда.

Аризаларни қабул қилиш 2017 йил 5 июлдаги савдо учун 2017 йил 3 июлда, 2017 йил 21 июлдаги савдо учун 2017 йил 19 июнда соат 16.00 да тўхтатилади. Ушбу автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари вакили иштирокда жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кўнлари соат 10.00 дан 16.00 гача (соат 13.00-14.00гача тушлик) аризаларни қабул қилиш манзилида ёки www.agg.uz веб-сайт орқали қабул қилинади. Талабгорлардан савдода иштирок этиш учун қўйидаги ҳужжатлар тақдим этилиши сўралади: савдо ташкилотчиси билан тузилладиган “заказалат тўғрисидаги келишув”ға асосан заказалат пули туланганлиги тўғрисида тўлов ҳужжат нусха-си, ариза, вакиллар учун ишончнома. Мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда заказалат пулини ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда “Auto Gold Grant” МҲЖнинг АИТБ “Ипак йўли банк” Миробод филиалидаги 2020 8000 2004 2284 9001 ҳисоб рақами МФО: 01101, ИНН: 303136943 тўлашлари шарт.

Савдо ўтказиш ва аризаларни қабул қилиш манзили: Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Бухоро кўчаси, 10-уй. Телефон: 232-02-96. **Гувоҳнома №05791**

“Кафолат суғурта компанияси” АЖ Тошкент шаҳар Яшнобод бўлимиға тегишли бўлган КФ серияли 1665673, 1665674, 1665675, 1665677, 1665678 ва 1665680-сонли суғурта полислари йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Тошкент шаҳар М.Улуғбек тумани Ягона дарча маркази томонидан 2 август 2016 йил № 04-0000738 реестр рақами билан рўйхатдан ўтган “PLANETA SERVIS” хусусий корхонаси (STIR 204256528) мулкдорнинг 1 июнь 2017 йилдаги қарорига асосан

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 (икки) ой муддати ичида қўйидаги телефон рақами орқали қабул қилинади. +998 98 360-57-46.

ТУГАТИЛАДИ.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 27.05.2003 йил №161 реестр рақами №3475 сонли гувоҳнома билан рўйхатдан ўтган, “ТТЗ-METAL” МҲЖ ОҚ (ИНН 204560206) таъсисчиларининг 25.01.2016 йил қарорига асосан

ТУГАТИЛАДИ.

Эътирозлар эълон нашр қилинган кундан икки ой давомида Тошкент шаҳри, М.Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 434-уй манзили бўйича қабул қилинади.

“NEW LIFE TOUR” Масыулияти чекланган жамияти “NEW LIFE TOUR” ҳуқуқий шакли хусусий корхонаға ўзгарганлигини маълум қилади. ИНН 304919917.

“NEW LIFE TOUR” МҲЖға нисбатан даъволар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой ичида қўриб чиқилади. Тел: +99897 701-01-30.

Тошкент шаҳар ҳокимининг ҚАРОРИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ ТУМАНЛАРИ ҲУДУДИДА АВТОМОТОТРАНСПОРТ ВОСИТАЛАРИНИ САҚЛАШ ЖОЙЛАРИНИ ТАРТИБГА КЕЛТИРИШНИНГ ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4944-сонли Фармони (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й. 6-сон, 69-модда), Ўзбекистон Республикаси Президенти раислигида ўтказилган 2017 йил 30 мартдаги селектор йиғилишидаги топшириқларга, Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 17 сентябрдаги 73-сонли баённомасига асосан, Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг Тошкент шаҳрида 2014 йил 31 декабрь ҳолатига автотранспорт воситалари сони 353.912 тани ташкил қилганини, 2017 йил 1 март ҳолатига 420.105 тани ташкил қилиб, 66.193 тага қўйлагани (19% ошган) сабабли, мавзелар ва маҳаллаларда автотранспорт воситаларини тунаш билан боғлиқ жиноятлар сони ортиб бораётганлиги, шаҳарда жами 142 та тўйхоналар ва 57 та супермаркетлар (гипермаркетлар) фаолият юритиб келиб, уларнинг базиларида автотранспорт воситаларини сақлаш жойлари микозлар автотранспорт воситаларини сонига етарли миқдорда ташкил этилмаганлиги оқибатида тирбандликлар вужудға келиб, фуқароларға ноқулайликлар туғдираётганлиги ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимининг тақлифларини, шунингдек, Тошкент шаҳрининг туманлари ҳудудида шаҳарсозлик қоидалари ва санитар нормалари талабларига жавоб бермайдиган автотранспорт воситаларини сақлаш қурилмаларини бузилиши ҳисобига қўп қаватли автотранспорт воситаларини сақлаш жойларини қуриш масаласи брифинг ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали кенг омма орасида муҳокама қилиб, ижобий фикрлар билдирилганлигини инобатға олиб, маҳалла фуқароларига шароит яратиш, транспорт инфратузилмасини ривожлантириш, мавжуд тирбандликларни олдини олиш, мавзелар кесимида “Замонавий маҳалла” намунавий лойиҳаси асосида қурилиш ва кенг қўламда ободонлаштириш ишларини амалға ошириш, шунингдек, шаҳарсозлик қоидалари ва санитар нормалари талабларига жавоб бермайдиган автотранспорт воситаларини сақлаш қурилмаларини бузилиши ҳисобига қўп қаватли автотранспорт воситаларини сақлаш жойларини қуриш мақсадида,

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Тошкент шаҳрининг туманлари ҳудудида шаҳарсозлик қоидалари ва санитар нормалари талабларига жавоб бермайдиган автотранспорт воситаларини сақлаш қурилмаларини бузилиши ҳисобига қўп қаватли автотранспорт воситаларини сақлаш жойларини қуриш тўғрисидаги Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармаси ва “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлимининг тақлифлари маъқуллансин.

2. Шаҳарсозлик қоидалари ва санитар нормалари талабларига жавоб бермайдиган автотранспорт воситаларини сақлаш қурилмаларини ўрганиш ва аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича иловаға мувофиқ ишчи гуруҳини тузиш намунавий тартибда тасдиқлансин.

3. Туман ҳокимликлари, Архитектура ва қурилиш бош бошқармаси (С.Мухтарходжаев), Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (Ф.Расулов), Тошкент шаҳар ИИББ (Б.Курбанов), “Маҳалла” хайрия жамоат фонди Тошкент шаҳар бўлими (Д.Миротдиёев) билан ҳамкорликда:

қўп қаватли автотранспорт воситаларини сақлаш жойларини қуриш иштерини билдирган тадбиркорлик субъектларини мурожаати ва лойиҳаларини инобатға олиб, улар томонидан тақлиф этилаётган лойиҳани амалға ошириш ҳудудидаги шаҳарсозлик қоидалари ва санитар нормалари талабларига жавоб бермайдиган автотранспорт воситаларини сақлаш қурилмаларини ўрганиш ва аниқланган қонун бузилиш ҳолатларини бартараф этиш бўйича иловаға мувофиқ ишчи гуруҳларини (кейинги ўринларда Ишчи гуруҳ деб қўрилади) тузилисин.

4. Туманларда тузилган Ишчи гуруҳларға қўйидаги вазифалар юклатилин:

туманлар ҳудудида жойлашган автотранспорт воситаларини ўрнатилган тартибда босқичма-босқич олдириб, шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига жавоб берадиган биринчи қаватида савдо ва маъиш ҳизмат кўрсатиш мажмуаси бўлган қўп қаватли автотранспорт воситаларини сақлаш жойларини қуриш учун тақлифлар киритиш; профилактика инспекторлари ва барча туман ҳокимиятлари қосидаги гаражлари рўйхатда олиш унитар корхоналари раҳбарлари билан биргаликда ишчи гуруҳ аъзоларига бириктирилган турар жой мавзелари ва маҳаллаларда автотранспорт воситаларини сақлаш жойларини мониторингнинг ўтказиб, қонун бузилиш ҳолатларини аниқлаб, бартараф этиш; шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига жавоб бермайдиган автотранспорт воситаларини сақлаш жойларини бузилиши оқибатида бўшатишган жойларда биринчи қаватида савдо ва маъиш ҳизмат кўрсатиш мажмуаси бўлган қўп қаватли автотранспорт воситаларини сақлаш жойларини қуришға тақлифларни жалб қилиш;

хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатлари билан биргаликда янги ташкил этилган қўп қаватли автотранспорт воситаларини сақлаш жойларини ободонлаштириш ишларини амалға ошириш;

бушатишган ер майдонлари тўғрисида ва бартараф этилган қонун бузилиш ҳолатлари оқибатида Тошкент шаҳар ҳокимлигиға ҳар ҳафта ахборот киритиб бориш;

хусусий ўй-жой мулкдорлари ширкатлари билан ҳамкорликда шаҳарсозлик қоидалари ва санитар нормаларига жавоб бермайдиган автотранспорт воситаларини сақлаш жойларини бузилиши оқибатида бушатишган ер майдонларида биринчи қаватида савдо ва маъиш ҳизмат кўрсатиш мажмуаси бўлган қўп қаватли автотранспорт воситаларини сақлаш жойларини қурилиш ҳақида аҳоли ўртасида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш;

йўллардаги тирбандликларни бартараф этиш, аҳолиға ҳизмат кўрсатишда янада қулайликлар яратиш мақсадида, туманлар ҳудудларида жойлашган савдо мажмуалари (супермаркет, гипермаркет) ва тўйхоналар ён атрофидagi ҳудудларда 2017 йилнинг 31 декабрь кўниға қадар автотранспорт воситаларини сақлаш жойларини ташкил қилиш бўйича ўрнатилган тартибда тегишли чораларни қуриш; савдо мажмуалари (супермаркет, гипермаркет) ва тўйхоналар ён атрофидagi ҳудудларда автотранспорт воситаларини сақлаш жойларини ташкил қилиш имконияти бўлмаган тадбиркорлик субъектларига фаолият турларини қайта ихтисослаштириш йўли билан тирбандликни бартараф этиш ҳамда аҳолиға қўишма қулайликлар яратишнинг мумкин бўлган тақлифларини бериш.

5. Тошкент шаҳар ҳокимлигининг санаотни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммунал хўжалик ва коммунал хўжалик масалалари бўйича мажмуаси:

туманларда тузилган Ишчи гуруҳлар томонидан уларға юклатилган вазифаларни тўлиқ ва самарали бажарилиши назоратға олинсин ва Тошкент шаҳар ҳокимига ҳар ҳафта яқуни бўйича ахборот бериб борилисин.

6. Мазкур қарор “Тошкент оқшом” ва “Вечерний Ташкент” газеталарида расмий эълон қилинсин ва www.tashkent.uz веб-сайтиға қўйлаштирилсин.

7. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан қуча қиради.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Тошкент шаҳар ҳокимлигининг санаотни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммунал хўжалик ва коммунал хўжалик масалалари бўйича мажмуаси, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ш.Аббасов ва туман ҳокимлари зиммаларига юклатилин.

Тошкент шаҳар ҳокими
Р.Усманов

2017 йил 1 июнь

Қарорнинг илова қисми билан Тошкент шаҳар ҳокимлигининг www.tashkent.uz сайти орқали танишиш мумкин.

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

